



## АЛИШЕР НАВОЙ АСАРЛАРИДА ИЙХОМ САНЪАТИ

Ийхом – шоирдан зукколик, билим талаб қиладиган мураккаб шеърӣ санъат. Маҳорат билан яратилган ийхом кишини ҳайратга солади. Алишер Навоӣ ўз асарларида ушбу бадиӣ санъатдан моҳирона фойдаланган. Афсус, шоир асарларининг кирилл ва лотин алифбосидаги нашрларида бу санъатни кўриш мумкин эмас. Гап шундаки, мумтоз ўзбек тилида ҳозирги “о” ўрнида чўзик а: ишлатилган. Бугунги бош, тош, ош, қош каби сўзлар алиф билан ёзилиб باش - ба:ш, - تاش - та:ш, - اش - а:ш, - قاش - қа:ш каби талаффуз қилинган. Сўзларнинг бундай шакли мумтоз ўзбек тилида омонимларнинг кўпроқ бўлишига ёрдам берган. Бу эса шоирга ийхом санъати яратишда кўл келган. Ушбу мақолада - يان йа:н, - قان қа:н, - تاش та:ш, اياق - а:йақ, قالقان - қа:лқан, بارما غيده - ба:рмағида сўзлари воситасида яратилган ийхом санъатига айрим мисоллар келтирамиз.

يان йан сўзи ҳақида

Мумтоз ўзбек тилида йанмақ сўзи йанмақ – ёнмоқ ва орқага қайтмоқ маъноларини англатган. Алишер Навоӣ асарлари учун тузилган Толе Ҳиравийнинг “Бадойиул луғат”ида куйидаги байт охиридаги йан сўзи луғатшунос томонидан ийхом санъатига мисол сифатида келтирилган:

Эй Навоӣ, яхиши эрмас эрди ул йан бармақинг,  
Чун бориб, ўтлуқ йузин қилдинг томошо эмди йан.<sup>1</sup>

Агар йан сўзини ёнмоқ, куймоқ маъноларида тушунсак, байт маъноси куйидагича бўлади:

Эй Навоӣ, ул (ёр) тарафга боришинг яхиши эмас эди,  
Агарда бориб, (ёрнинг) ўтлуқ юзини томошо қилган  
экансан, энди йан (куй).

Агарда йан сўзининг қайт маъноси ҳисобга олинса, байт куйидаги маънони англатади:

Эй Навоӣ, ул (ёр) тарафга боришинг яхиши эмас,  
Мабодо бориб, (ёрнинг) ўтлуқ юзини томошо  
қилган экансан, энди қайт.

قاندە қанда сўзи ҳақида

“Фаройиб ус-сиғар” девони 529-ғазалининг куйидаги байтида XVII асрнинг машҳур луғатшуноси – “Санглоҳ” луғатининг тузувчиси Мирза Муҳаммад Маҳдихон قاندە - қанда сўзи аз кужо – қаердан ва аз хун – қон ичида маънолари туфайли шоир ийхом санъати яратганлигини кайд этган:<sup>2</sup>

Навоӣ қан ёш ичра гарқу ёри май ичиб доим,  
Демшиким: “Ризқ айлабтур, кўринг мен қанда,

ул қанда.

Дарҳақиқат, бугунги қон сўзи қадимда қан шаклида ишлатилганлиги сабабли шоир қанда сўзини икки: 1) қон ичида; 2) қанда – қаерда, қаёқда маъноларида ишлатган. Қанда сўзининг қаерда, қаёқда маънолари ҳозирги луғатларда кайд қилинган.<sup>3</sup>

Агар қанда сўзи қон ичида маъносида тушунилса, байтни куйидагича изохлаш мумкин:

Навоӣ қон(ғам-ғусса)га ботган, чунки ёри доим  
(қизил) май ичиши билан банд,

Шоир дер эмиш: «Ризқимиз шундай экан: мен  
ҳам қон ичида, ул ҳам қон ичида».

Агар қанда сўзининг қаерда, қаёқда маъноларини ҳисобга олсак, байт мазмуни куйидагича бўлади:

Навоӣ қон(ғам-ғусса)га ботган, чунки ёри доим май  
ичиши билан банд,

Шоир дер эмиш: «Ризқимиз шундай экан, мен қаердаю,  
у қаёқда».

Агар биринчи қанда сўзи қон ичида, иккинчи қанда сўзи қаерда, қаёқда маъносида изохлакса, байт мазмуни куйидагича бўлади:

Навоӣ қон (ғам) га ботган, чунки ёри доим май  
ичиши билан банд

Дер эмиш: “Ризқимиз шундай экан, мен қон (ғам)  
ичидаману у қаёқда (юрбти)”.

Худди шундай сўз ўйинини “Бадоеъ ул-васат”даги куйидаги байтда ҳам кўриш мумкин:

Қон борурдин гарчи жисмим боғига бўлмиш хазон,  
Турфароққим, қандин очмиш гули аҳмар яро.<sup>4</sup>

Агар қандин сўзини қондан маъносида изохласак, байт маъноси куйидагича бўлади:

Қон оқшидан жисмим боғи хазон бўлди,  
Қизиги шуки, қизил гул қондан яра

очипти (боғлабти).

Агар қандин сўзини қаердан маъносида изохласак, байт мазмуни куйидагича бўлади:

Қон оқшидан жисмим боғи хазон бўлди,  
Қизиги шуки, қаердан қизил гул яра

очипти (боғлабти).

تاش таш сўзи ҳақида

Мумтоз ўзбек тили товуш тизимини ҳозирги тилимизга киёслаганда, бир қатор фарқларни кўриш мумкин. Жумладан, бугунги о ўрнида чўзик а: товуши ишлатилган. Тилдаги иқтисод қонунига мувофиқ чўзик а: ли сўзлар бугунга келиб о унлисига айланган. О ўрнида чўзик а: ишлатилганлиги шоирга сўз ўйинлари ҳосил қилишга имкон туғдирган. Чунончи, мўрт тоғ жинси – тош сўзи таш шаклида талаффуз қилинганлиги шоирга ташқари сўзи ўзагидаги таш билан ийхом санъати ҳосил қилишга имкон берган. “Фаройиб ус-сиғар”даги куйидаги байтда:

Ўқугон элни ҳалок айлағай китобасида,  
Ичимдагини аён қилса қабрим узра ташим.<sup>5</sup>

Агар ташим сўзини қабр тошим маъноси ҳисобга олинса, байтни куйидагича шарҳлаш мумкин:

Қабрим устидаги тош ёзув ичимдагини аён қилса,  
Ўқиган элни ҳалок айлайди.

Агар ташим сўзини ташқари маъноси ҳисобга олинса, байт мазмуни куйидагича бўлади:

Ичимдаги (гам-гуссалар) қабрим ташқарисида  
аён бўлса,

Ўқиган кишини ҳалок айлайди.

Яна бир мисол:

Тифллар ташки жисмим қилди сарто сар қаро,

Бўлди савдога саводи аъзам ондин ҳар қаро.

Ёштин англа юзум: гар сиймгундур, гар қизил,

Таштин англа танимни: гар кўк ўлмиш, гар қаро.<sup>6</sup>

Агар **таштин** сўзини тошдан деб тушунилса, иккинчи байтнинг маъноси қуйидагича бўлади:

Юзумдаги ёшдан англа: гоҳ оқ, гоҳ қизил

Таним **тошдан** гоҳ кўк, гоҳ қора бўлди.

Агар **таштин** сўзини ташқаридан деб тушунилса, байт мазмуни қуйидагича бўлади:

Юзумдаги ёшдан англа: гоҳ оқ, гоҳ қизил,

Ташқи тарафимдан кўр: гоҳ кўк, гоҳ қора.

Бугунги **ҳаддан ташқари** бирикмаси XV асрда **ҳаддин таш** шаклида учраши ҳам **ташқари** сўзи қадимда **таш** шаклида ишлатилганлигини исботлайди:

Жони гаму дард поймоли,

**Ҳаддин таш** эрур хароб ҳоли.<sup>7</sup>

ایاق **айақ** сўзи ҳақида

Шоир “Ғаройиб ус-сиғар” девонининг қуйидаги байтида **айақ** – идиш; **айақ** – юриш учун хизмат қиладиган аъзо омоним сўзларининг бир хил талаффуз қилинишидан фойдаланиб ийҳом санъати яратади:

Ҳумор аро тиладим, соқий-ю қадаҳ, юз шукур

Ки улки мен тиладим, келди ўз **аёғи била**.<sup>8</sup>

Агар **айақ** сўзининг **идиш** маъноси ҳисобга олинса, байтни қуйидагича изоҳлаш мумкин:

Ҳумор пайтида соқий ва қадаҳни сўрадим,

Мен тилаган соқий ўз **идиши** билан келди.

Агар **айақ** сўзини юриш учун хизмат қиладиган аъзо маъноси ҳисобга олинса, бугунги кунда ҳаммага тушунарли **ўз оёғи билан келди** ибораси ҳосил бўлади:

Ҳумор пайтида соқий ва қадаҳни сўрадим,

Мен тилаган соқий ўз **оёғи билан** келди.

**Айақ** сўзининг **идиш** маъноси ҳозирги ўзбек тилида **идиш-оёқ** бирикмаси таркибида сақланиб қолган: Маҳалла болалари эшикма-эшик юриб: “Барот келди, билдингизми; идиш-оёқ ювдингизми?” ашуласини айтар эдилар. (А.Қодирий. “Меҳробдан чаён”)

Қуйидаги байтда ҳам шоир **айақ** омонимларидан усталик билан фойдаланиб ийҳом санъати яратади:

Келмаса равшан зулол, албатта, бўлур чашма кўр,

Бас, **айақ чекма**, Навоий дийдаи гирёнидин.<sup>9</sup>

Агар **айақ** сўзини **идиш** маъносида талқин қилсак, байт маъноси қуйидагича бўлади:

Зулол сув келмаса, чашма қуриб қолади,

Сен Навоийнинг йиғлаётган кўзидан сув ичма.

Агар **айақ** сўзини юриш учун хизмат қиладиган аъзо маъносида тушунилса, ушбу байтда узоқлашма маъносидаги **айақ чекма** ибораси ҳосил бўлади:

Зулол сув келмаса, чашма қуриб қолади,

Сен Навоийнинг йиғили кўзидан узоқлашма.

قالقان **қалқон** сўзи ҳақида

Толи Ҳиравий **قالقان** – қалқан сўзини изоҳлар экан, у куйидаги байтда икки маъно: 1) қалқан; 2) қолган<sup>10</sup> англатиб, шоир ийҳом санъати яратганлигини таъкидлайди:

Ўқи баским тандадир, тегмас танимга ўзга захм,

Улки ўқ деб нола қилдим эмди **қалқандур** манга.<sup>11</sup>

Агар **қалқан** сўзини ҳимоя қуроли маъносида изоҳласак, байт мазмуни қуйидагича бўлади:

[Ёрнинг] ўқи танамда, энди баданимга бошқа

захм етмайди,

Ўқ деб нола қилган эдим, энди у (ўқ) манга **қалқон**.

Агар **қалқан** сўзини **қолган** маъносида тушунсак, байт куйидаги маънони англатади:

[Ёрнинг] ўқи танамда, энди баданимга бошқа

захм етмайди,

Ўқ деб нола қилган эдим, сабаби у

танамда **қолган**.

بارما غيده **бармағида** сўзи ҳақида

XV асрда **о** товуши бўлмаганлиги туфайли бугунги **бармоқ** ва **бормоқ** сўзлари бир хил – **бармақ** – **бармағ** шаклида талаффуз қилинган. Алишер Навоий сўзларнинг бундай талаффуз қилинишидан фойдаланиб қуйидаги байтда ийҳом санъати яратган:

Борди тишлаб бармагин, кўргач Навоий ҳолини,

Ҳам ҳаёту ҳам ўлум кўрдум анинг **бармағида**.<sup>12</sup>

Агар иккинчи мисра охиридаги бармағида сўзини боришда, кетишда маъносида изоҳласак, байт маъноси қуйидагича бўлади:

[Ёр] Навоий ҳолини кўргач, афсусланиб

бармоғини тишлади,

Ҳаста шоир ёрнинг бу **боришида**, **кетишида** ҳам

ҳаёт, ҳам ўлим белгисини кўрди.

Агар **бармағида** сўзини қўл ёки оёқ панжасидан бири маъносида изоҳласак, байт мазмуни қуйидагича бўлади:

[Ёр] Навоий ҳолини кўргач, афсусланиб бармоғини

тишлади.

Ҳаста шоир ёрнинг **бармағида** ҳам ўлим, ҳам ҳаёт

белгисини кўрди.

“Бадойиул луғат” ва “Санглоҳ” луғатларини ўрганиш асосида қуйидаги хулоса келиш мумкин:

1. Иккала луғатда XV ва XVIII аср фонетикасига оид ноёб маълумотлар сақланган.

2. Ушбу луғатларда Алишер Навоийнинг сўз қўллаш маҳорати, айниқса, ийҳом санъатига доир нодир маълумотлар сақланган.

<sup>1</sup>А.К. Боровков. Бадаи ал-луғат. Словарь Тали Имани Гератского. М., 1961. С.83а.

<sup>2</sup>Sanglax. A Persian Guide to the Turkish Language by Muhammad Mahdi Xan, with an Introduction and Indices by Sir Gerard Clauson, London, 1960, 277v.

<sup>3</sup>Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 2-том. Москва, 1981. 548-бет.

<sup>4</sup>Алишер Навоий. Бадоеъ ул-васат. Т., 1960. 36-бет.

<sup>5</sup>Алишер Навоий. Ғаройиб ус-сиғар. Т., 1959. 414-бет.

<sup>6</sup>Алишер Навоий. Наводир уш-шабоб. Т., 1960. 36-бет.

<sup>7</sup>Алишер Навоий. Хамса. Т., 1969. 440-бет.

<sup>8</sup>Алишер Навоий. Ғаройиб ус-сиғар. Т., 1959. 574-бет.

<sup>9</sup>Алишер Навоий. Наводир уш-шабоб. Т., 1960. 468-бет.

<sup>10</sup>А.К. Боровков. Указ. соч., с.65.

<sup>11</sup>Алишер Навоий. Ғаройиб ус-сиғар. Т., 1959. 34-бет.

<sup>12</sup>Алишер Навоий. Бадоеъ ул-васат. Т., 1960. 557-бет.